

«Янги Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари» туркум рисоалар

А. Х. Саидов

ЎЗБЕКИСТОН ВА БИРЛАШГАН
МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ:
**ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ ЙЎЛИДАГИ
30 ЙИЛЛИК ҲАМКОРЛИК**



УЗБЕКИСТАН И ОРГАНИЗАЦИЯ
ОБЪЕДИНЕННЫХ НАЦИЙ:
**30 ЛЕТ СОТРУДНИЧЕСТВА
ВО ИМЯ ДОСТОИНСТВА ЧЕЛОВЕКА**

Тошкент – 2022

Саидов А.Х. Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти: Инсон қадр-қиммати йўлидаги 30 йиллик ҳамкорлик. – Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2022. – 26 бет. (“Янги Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари” туркум рисолалар).

Рисолада Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослаштирилган муассасалари билан ҳамкорлик динамикаси кўриб чиқилган. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ўзаро муносабатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

«Янги Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари» туркум рисодалар

А. Х. Саидов

ЎЗБЕКИСТОН ВА БИРЛАШГАН
МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ:
**ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ ЙЎЛИДАГИ
30 ЙИЛЛИК ҲАМКОРЛИК**

Тошкент – 2022

*1992 йил 2 март куни мустақил Ўзбекистон
давлати дунёдаги энг нуфузли ташилот
– Бирлашган Миллатлар Ташилотининг
тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди, унинг Нью-Йорк
шаҳридаги қароргоҳида мамлакатимизнинг
давлат байроғи қилтирай бошлади.*

БМТНИНГ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДАГИ РОЛИ

Бугунги мураккаб шароитларда, миқёсига кўра мисли кўрилмаган қуролли зиддиятлар ҳамда халқаро даражада тинчлик ва барқарорликка ошиб бораётган таҳдид саҳнида тинчлик ва хавфсизликни, барқарорликни, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тизимли тараққиётни таъминлаш йўлида аъзо давлатларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни мақсад қилган универсал халқаро тузилма сифатида БМТнинг роли ва масъулияти ортиб бормоқда.

75 йилдан кўпроқ вақт олдин ташкил этилган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳозирги вақтда 193 давлатни бирлаштирган. Катта ва кичик, бой ва камбағал давлатлар, турли сиёсий қараш ва тузилмага эга мамлакатлар БМТ аъзолари бўлиши мумкин, уларнинг барчаси овоз бериш ва бу жараёнда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

БМТ тизимида олтита бош орган бўлиб, уларнинг бештаси – Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва ижтимоий Кенгаш, Васийлик Кенгаши ва Котибият Нью-Йоркдаги қароргоҳида фаолият кўрсатади, Халқаро суд – Гаага (Нидерландия)да жойлашган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсад ва фаолияти 1945 йил 26 июнда Сан-Франциско шаҳрида 50 та мамлакат томонидан имзоланган БМТ Уставида баён этилган мақсад ва принциплар асосида белгиланади. 1945 йилнинг 24 октябрида кучга кирган Уставда БМТ структураси ҳамда баҳс ва низоларни ҳал қилишнинг асосий тамойиллари мустаҳкамланган. 1948 йилдан

бошлаб ушбу аҳамиятли сана БМТ куни сифатида кенг нишонланиб келинмоқда. Эътиборлиси шундаки, БМТ Устави инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи илк халқаро ҳужжат бўлиб, глобал қўллаб-қувватловга эришди. Унинг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қоидалари уч йил ўтиб, 1948 йили Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ўз аксини топди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БМТ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ ДИНАМИКАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қайд этганидек, **“1945 йилда ташкил этилганидан буён БМТ халқаро миқёсда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, барқарор ривожланишни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришда марказий мувофиқлаштирувчи роль ўйнайдиган чинакам универсал халқаро тузилмага айланди”.**

Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаган дунёнинг асосий халқаро ташкилоти билан ҳамкорликка катта аҳамият қаратади. Давлатимиз БМТ Устави, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро шартномалардаги мақсад ва принципларга содиқ бўлиб, ўз зиммасига олган мажбуриятларни оғишмай бажариб келмоқда.

БМТнинг тенг ҳуқуқли ва тўлақонли аъзоси сифатида Ўзбекистон тенглик, ҳамкорлик, кўптомонламалик ва халқаро сиёсий тизимни ҳимоя қилиш принципларига сўзсиз амал қилишини намоиш этмоқда. Сўнгги вақтларда халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, янги глобал қуроли тўқнашувларнинг олдини олиш, мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, глобал мулоқот ва ҳаракатлар ҳамда бутун дунёда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби ғояларни фаол илгари сурмоқда.

Ўзбекистон БМТ ва унинг ихтисослаштирилган муассасалари, жумладан, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти, ЮНЕСКО, Жаҳон озиқ-овқат ташкилоти, Жаҳон банки, МАГАТЭ ва бошқалар ишида фаол иштирок этиб келмоқда.

1993 йилнинг 24 октябрида Тошкентда БМТ ваколатхонаси очилди. Ўзбекистонда БМТнинг ўндан ортиқ дастурлари, фондлари ва агентликлари, шу жумладан, БМТ Тараққиёт дастури, Аҳо-

лишунослик фонди (ЮНФПА), Болалар фонди (ЮНИСЕФ), Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси, ОИВ/ОИТС бўйича бирлашган дастур, Гендер тенглик, аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш масалалари бўйича тузилмалари фаолият кўрсатмоқда.

Турли йилларда Ўзбекистонга БМТ Бош котиблари – **Кофи Аннан, Пан Ги Мун**, 2017 йили амалдаги Бош котиб **Антониу Гутерриш** ташриф буюришган.

Ўзбекистон БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида унинг мақсад ва Уставига қатъий риоя этади, ўз овози ва мақомидан фойдаланиб, БМТ фаолиятининг барча соҳасига доир ўта муҳим ва долзарб ташаббусларни илгари сурмоқда.

Ўзбекистоннинг БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхоналари Нью-Йорк (АҚШ), Женева (Швейцария)даги БМТ бўлимлари ҳузурида ва бошқа халқаро ташкилотларда ҳамда Вена (Австрия)даги БМТ бўлимида фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлиги сўнгги беш йилда мутлақо янги даражага кўтарилди. Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида, 2020 йил 25 сентябрда видеоконференция шаклида ташкил этилган 75-юбилей сессиясида, шунингдек 2021 йилда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида онлайн форматда ва Бош Ассамблеянинг 76-сессиясида маъруза қилди. Уларда Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, таълим, маънавият, экология, туризмни янада ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бошқа соҳаларга тааллуқли ташаббуслар билан чиқди.

Ўзбекистоннинг кейинги йиллардаги саъй-ҳаракатларининг халқаро эътирофи БМТ Бош Ассамблеясида қуйидаги резолюцияларнинг қабул қилинишида яққол намоён бўлди:

“Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш”;

“Маърифат ва диний бағрикенглик”;

“Барқарор туризм ва Марказий Осиёда барқарор тараққиёт”;

“Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар зонаси деб эълон қилиш”.

Шу билан бирга, БМТ шафелигида халқаро анжуманлар ташкиллаштирилди. Хусусан, 2017 йилнинг ноябрида Самарқандда **“Марказий Осиё: бир ўтмиш ва умумий келажак, барқарор тараққиёт ва ўзаро фаровонлик йўлида ҳамкорлик”** конференцияси, 2018 йилнинг март ойида Тошкентда **“Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик”** мавзuida, 2021 йилда Хивада **“Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида”** халқаро форумлари ўтказилди.

Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари ўтказилди. **Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосидаги траст фонди** тузилди. БМТ Бош Ассамблеясининг расмий ҳужжати сифатида **“Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодекс”** тасдиқланди, унда ҳар бир давлатнинг ўз фуқаролари ва халқаро ҳамкорлари олдидagi мажбуриятлари акс этиши кераклиги белгиланган.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – ҲАМКОРЛИКНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳимояси БМТ билан ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири сифатида кўрилади. Бугун мамлакатимизда демократиянинг замонавий ва инсон ҳуқуқлари мезонларига жавоб берадиган барқарор сиёсий тизими барпо этилган, қонун чиқарувчи, ижро этувчи органлари ва барча даражадаги суд ҳокимияти фаол ишламоқда. Энг муҳими, жамиятда Конституцияга ва мамлакат қонунларига ҳурмат қарор топмоқда.

“Инсон шaъни ва қадр-қиммати йўлида” устувор принципи ҳаётда ўз тасдиғини топмоқда. **“Албатта, инсон қадри биз учун қандайдир мавҳум, баландпарвоз тушунча эмас. Инсон қадри деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз. Инсон қадри деганда, биз ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этишни, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя ти-**

зими, соғлом экологик муҳит яратиб беришни тушунамиз”, дея таъкидлайди Ўзбекистон раҳбари.

Охириги йилларда Ўзбекистонга БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича собиқ Олий комиссари **Зайд Раад ал-Хусайн**, Диний эркинлик ёки эътиқодлар масалалари бўйича махсус маърузачи **Аҳмад Шахид**, Судья ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачи **Диего Гарсия-Саян**, шунингдек Терроризмга қарши кураш шароитида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш масалалари бўйича махсус маърузачи **Фионнуала Ни Аолайн** ташриф буюрди.

2017 йилнинг сентябрида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессияси доирасида давлатимиз раҳбари муҳим халқаро ташаббусларни илгари сурди. Улар орасида доимий фаолият кўрсатувчи инсон ҳуқуқлари бўйича **Самарқанд форуми**ни ташкиллаштириш ва БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш таклифлари бор.

2018 йилнинг 22–23 ноябрь кунлари Самарқандда **“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 70 йиллиги якунлари: замонавий чақириқлар ва реаллик”** Осиё форуми бўлиб ўтди, унда 20 га яқин халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда дунёнинг 30 дан зиёд мамлакатларидан экспертлар иштирок этди. Ўшанда қабул қилинган **Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд декларацияси** БМТ Бош Ассамблеяси 73-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.

2020 йилнинг 12–13 август кунлари **“Ёшлар 2020: глобал миқёсдаги бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” Самарқанд веб-форуми** ўтказилди. Шу номдаги Самарқанд резолюцияси БМТнинг расмий ҳужжати сифатида қабул қилинди.

Ўзбекистон барқарор тараққиёт соҳасида БМТ билан яқин ҳамкорлик қилмоқда. БМТнинг 2030 йилгача кун тартибида бўлган масалаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати томонидан 2030 йилгача даврни қамраб олган барқарор тараққиёт соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифалар қабул қилинди, 16 та миллий мақсад ва 125 та вазифа тасдиқланди. Миллий мақсад ва вазифаларнинг имплементацияси бўйича “Йўл харитаси” қабул қилинди, Парламент комиссияси ва ҳукумат ҳузурида Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди. Илк бор Барқарор ривожла-

ниш мақсадларини бажариш бўйича Ихтиёрий миллий ҳисоботи тақдим этилди.

Ўзбекистон Президенти томонидан қабул қилинган **Ҳаракатлар стратегияси** ва **Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси** БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари ижросининг беш йиллик “йўл хариталари” ҳисобланади. 2021 йилнинг июнида Бухоро шаҳрида Парламентлараро Иттифоқ билан ҳамкорликда **“Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда глобал парламентлараро ҳамкорлик”** халқаро форуми ўтказилди. **“Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлар ролини ошириш”** борасидаги ташаббусимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси томонидан резолюция кўринишида қабул қилиниши бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизimini ташкил этди. Парламент Омбудсмани, Болалар Омбудсмани, Бизнес-Омбудсман ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ушбу тизимга киради.

Мажбурий ва болалар меҳнатини бартараф этиш соҳасидаги ишлар ҳолати тубдан ўзгарди. Қийноқларнинг олдини олиш миллий превентив механизмини такомиллаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди.

БМТнинг фуқаролиги йўқ шахслар сонини қисқартириш борасидаги чақириқларига жавобан 2020 йилда “Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган бўлиб, унинг асосида 70 мингдан зиёд фуқаролиги йўқ шахслар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари деб тан олинди. БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш мамлакатимизни “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги янги қонуннинг қабул қилиниши билан табриклар экан, **“Ўзбекистон илгари фуқаролиги йўқ шахсларга фуқаролик берган ҳолда, аҳолининг заиф қатламлари ҳаётини яхшиламоқда. Ушбу воқеа дунёнинг барқарор ривожланиш соҳасида мақсадларга эришиш бўйича ўн йиллик ҳаракатларини бошлаётган бир пайтда, Ўзбекистоннинг ҳеч бир инсонни ҳал этилмаган муаммо билан ёлғиз ташлаб қўймасликнинг қатъий тарафдори эканини кўрсатди”**, дея қайд этди.

Айни вақтда мамлакатимизда қонунчилик ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларини, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумэтироф этилган халқаро стандартларни, шунингдек БМТнинг Устав органлари ва шартномавий қўмиталарининг тавсияларини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилмоқда.

Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарлиги бошқармаси билан самарали ҳамкорлик ва мунтазам мулоқотни йўлга қўйган. Мазкур бошқарма билан ҳамкорликда 2020 йилнинг июнида биринчи марта **Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегияси** қабул қилиниб, изчиллик билан амалга оширилмоқда. У БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарининг тавсияларини амалга оширишни кўзда тутди. Миллий стратегияни қабул қилишда нафақат эксперт доираларнинг, балки кенг жамоатчилик ва халқаро ташкилотларнинг фикри ҳам инобатга олинган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия доирасида гендер тенглик, сўз ва дин эркинлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш борасида аниқ чоралар қабул қилинган, жумладан:

2021–2025 йилларда Фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси тасдиқланди;

“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги янги қонун қабул қилинди;

2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси тасдиқланди;

Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича **Парламент комиссияси** ташкил этилди;

Ўзбекистонда 2025 йилгача Давлатнинг ёшларга оид сиёсатини ривожлантириш концепцияси амалга оширилади, у БМТнинг **“Ёшлар – 2030” стратегияси**да баён этилган **“Ёшлар билан ишлаш ёшлар манфаатида”** принципига асосланган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегияни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари фаол қатнашмоқда. Инсон ҳуқуқлари соҳасида бизнес ҳамжамиятнинг масъулиятини, жумладан, **“Бизнес ва инсон ҳуқуқлари” Миллий ҳаракатлар режасини** ишлаб чиқиш йўли орқали кучайтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТнинг шартномавий органлари тизимини мустаҳкамлаш юзасидан ҳукуматлараро жа-
раёнларни қўллаб-қувватлайди ва давлатнинг ҳисобдорлик қо-
билиятини ривожлантириш ҳамда шартномавий органларнинг
мулоҳазаларини бажаришга интилади. Ўзбекистон Республикаси
БМТнинг шартномавий органларига миллий маърузалари (41 та
маъруза)ни ўз вақтида тақдим этмоқда. Хусусан, жорий йилнинг
февралида Аёлларга нисбатан камситишни бартараф этиш қўми-
таси Ўзбекистоннинг Олтинчи даврий маърузасини, Иқтисодий,
ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмитаси Учинчи даврий
маърузасини эшитди.

БМТНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШИДА АЪЗОЛИК: ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Маълумки, 2020 йилнинг 24 февралида БМТ Бош котиби
А. Гутерриш **“Юксак интилиш: инсон ҳуқуқлари учун ҳара-
катга чақириқ”** деган ташаббусни илгари сурди. “Чақириқ”нинг
энг муҳим моҳиятидан бири – фуқаролик жамиятини кучайти-
риш, гендер тенгликни таъминлаш, эркак ва аёлларнинг сиёсий,
иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда, шунингдек ахборот эркинлигида
тенглигига эришиш зарурияти ҳисобланади.

БМТнинг мазкур ташаббуси Ўзбекистоннинг айна соҳалар-
да амалга ошираётган ислохотлари билан ҳамоҳанг. Зеро, ин-
сон ҳуқуқларини таъминламасдан туриб, давлатнинг ижтимо-
ий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий-гуманитар тараққи-
ёти йўлидаги муаммоларини ечиш имконсиз.

2019 йилнинг 13 октябрида Нью-Йоркда бўлиб ўтган сайлов-
ларда БМТ Бош Ассамблеясининг делегатлари ташкилотнинг бош
ҳуқуқ ҳимояси органи – Инсон ҳуқуқлари кенгашининг янги 15
аъзосини сайлади. Ўзбекистон тарихда биринчи марта 2021–2023
йиллардаги давр учун кенгаш аъзолигига сайланди. Мамлақати-
миз аъзолиги учун БМТга аъзо 193 давлатнинг 169 таси овоз бер-
ди. 2022 йилнинг январидан Ўзбекистоннинг БМТнинг Женева-
даги идораси вакили Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг раиси
ўринбосарлигига сайланди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ кенгаши бутун дунё бўйлаб мазкур соҳадаги вазиятни назорат қилар экан, давлат раҳбарларига тавсияларини бериб боради. Ушбу халқаро органга кирган ҳар бир мамлакат инсон ҳуқуқлари соҳасида намуна бўлиши керак. Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашга кирган ва эътирофга сазовор бўлган Ўзбекистон ўз мажбуриятларини масъулият билан бажармоқда.

Ўзбекистон БМТнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш органлари билан, айниқса, барча давлатларга уларнинг инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ тегишли вазияти баҳоланаётганда тенг ва камситилмаган муомалани таъминлаётган Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг Универсал даврий ҳисоботи механизми билан мунтазам ва самарали ҳамкорликни йўлга қўйган.

2018 йилда Ўзбекистон Универсал даврий ҳисоботининг учинчи жараёнини босиб ўтди, унинг натижаси ўлароқ икки юздан зиёд тавсиялар қабул қилинди.

Узоқ йиллардан бери юқори мартабали Ўзбекистон Республикаси делегацияси ҳар йили феврал-мартда Женевада ўтказиладиган Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг Олий даражадаги Сегментида қатнашади.

2021 йили БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясининг Олий даражадаги Сегментида мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев биринчи марта нутқ сўзлади ҳамда Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва гендер тенгликка эришиш соҳасида БМТ билан ҳамкорликни чуқурлаштиришнинг янги қирраларини белгилаб берди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг аъзоси сифатида олган мажбуриятлари доирасида:

Ўзбекистон БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилди;

2021 йилнинг декабрида Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёлларининг Мулоқоти доирасида фуқаролик жамиятининг аёллар ташкилотлари, шунингдек “БМТ-аёллар” тузилмалари иштирокида минтақавий форум бўлиб ўтди;

Ўзбекистон ташаббуси билан **“Пандемия шароитида ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”** Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг резолюцияси қабул қилинди;

2021 йилнинг августида “Глобал ҳаракатларга ёшларни жалб қилиш” мавзуида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича Бутунжаҳон конференцияси ўтказилди.

Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурида фаол қатнашмоқда. Мазкур дастурнинг тўртинчи босқичи доирасида инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасида Миллий дастурнинг лойиҳаси ишлаб чиқилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси билан биргаликда 2022 йилда “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” глобал форумини ўтказиш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон, шунингдек **Осиё минтақасида инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий механизмни** яратишга қўмаклашишни давом эттириш ниятида.

Сўнгги йилларда биз БМТнинг махсус процедуралари билан ўзаро ҳамкорликда сезиларли илгари силжишга эришдик. Барча мандат эгаларига мамлакатимизга ташриф буюриш учун доимий таклифнома йўлланди. Шубҳасиз, улар билан биргаликдаги ишлар Ўзбекистондаги ислохотларни амалга оширишда яхшигина асос бўлади.

Бугун тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон ва БМТ ўртасида ўтган 30 йиллик муносабатлар муҳим воқеаларга бой бўлди ҳамда барча йўналишда динамик ривожланиб бормоқда. Ўзбекистоннинг БМТ доирасида илгари сурган барча таклифи ялпи хавфсизлик ва тинчлик, барқарор тараққиёт ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга эришишни таъминлаш ишига улкан амалий ҳисса бўлиб қўшилади. Мамлакатимиз БМТ билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг фаол аъзоси сифатида ҳам янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришга содиқ бўлиб қолаверади.

Серия “Новый Узбекистан и права человека”

А. Х. Саидов

УЗБЕКИСТАН И ОРГАНИЗАЦИЯ
ОБЪЕДИНЕННЫХ НАЦИЙ:
**30 ЛЕТ СОТРУДНИЧЕСТВА
ВО ИМЯ ДОСТОИНСТВА ЧЕЛОВЕКА**

Ташкент – 2022

Саидов А.Х. Узбекистан и Организация Объединенных Наций: 30 лет сотрудничества во имя достоинства человека.
– Ташкент: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 2022. – 26 с. (Серия «Новый Узбекистан и права человека»)

В брошюре рассматривается динамика сотрудничества Узбекистана с Организацией Объединенных Наций и ее специализированными учреждениями. Особое внимание уделено взаимодействию в области защиты прав человека.

Брошюра рассчитана на широкий круг читателей.

***2 марта 1992 года независимое государство
Узбекистан стало полноправным членом самой
авторитетной организации в мире – Организации
Объединенных Наций, и у ее штаб-квартиры в
городе Нью-Йорке был поднят и начал развеваться
Государственный флаг нашей страны.***

РОЛЬ ООН В МЕЖДУНАРОДНЫХ ОТНОШЕНИЯХ

В сегодняшних непростых условиях, на фоне беспрецедентного по своим масштабам роста вооруженных конфликтов, угроз международному миру и стабильности возрастают роль и ответственность ООН как универсальной международной структуры, которая призвана объединять усилия государств-членов во имя укрепления мира и безопасности, стабильности, защиты прав человека и обеспечения устойчивого развития.

Созданная более 75 лет назад Организация Объединенных Наций в настоящее время объединяет 193 государства. Членами ООН могут стать крупные и небольшие, богатые и бедные государства с разными политическими установками и устройством, и все они имеют право голосовать и участвовать в голосовании.

В структуре ООН шесть главных органов, пять из которых — Генеральная Ассамблея, Совет Безопасности, Экономический и Социальный Совет, Совет по опеке и Секретариат функционируют в штаб-квартире в Нью-Йорке, а Международный суд — в Гааге (Нидерланды).

Миссия и деятельность Организации Объединенных Наций определяются целями и принципами, изложенными в Уставе ООН, подписанном 26 июня 1945 года в городе Сан-Франциско 50 странами. В документе, вступившем в силу 24 октября 1945 года, закреплена структура организации и основные принципы для разрешения споров и посягательств. И уже с 1948 года знаменательная дата стала широко отмечаться как День ООН.

Примечательно, что Устав ООН стал первым документом в защиту прав человека, который получил глобальную поддержку. Его положения о правах человека были закреплены три года спустя — в 1948 году во Всеобщей декларации прав человека.

ДИНАМИКА СОТРУДНИЧЕСТВА УЗБЕКИСТАНА С ООН

Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев отмечает, что **со времени создания в 1945 году ООН стала поистине универсальной международной структурой, играющей центральную координирующую роль в сохранении мира и безопасности в международном масштабе, обеспечении устойчивого развития, защите и поощрении прав человека.**

Узбекистан придает важное значение взаимодействию с главной международной организацией, сотрудничество с которой определено как одно из приоритетных направлений внешней политики нашей страны. Наше государство верно целям и принципам Устава ООН, Всеобщей декларации прав человека и другим основным международным договорам и неукоснительно выполняет принятые на себя обязательства.

Узбекистан, являясь полноправным и полноценным членом ООН, демонстрирует свою приверженность принципу равенства, сотрудничества, многосторонности и защиты международной политической системы. В последние годы активно выступает инициатором представлений мирного урегулирования международных конфликтов, недопущения новых глобальных вооруженных столкновений, налаживания сотрудничества между странами, глобального диалога, глобальных действий и защиты прав человека во всем мире.

Наша республика активно участвует в деятельности организации и ряда ее специализированных учреждений, таких как Всемирная организация здравоохранения, Международная организация труда, Всемирная организация интеллектуальной собственности, Организация по вопросам образования, науки и культуры, ФАО, МОМ, Всемирный банк, МАГАТЭ, и многих других.

24 октября 1993 года в Ташкенте открылось представительство ООН. В Узбекистане действует более десяти программ, фондов и агентств ООН, в том числе Программа развития ООН (ПРООН), Фонд народонаселения (ЮНФПА), Детский фонд (ЮНИСЕФ), Управление по наркотикам и преступности, Объединенная программа по ВИЧ/СПИДу, Структура по вопросам гендерного равенства и расширения прав и возможностей женщин.

В разные годы Узбекистан с визитом посещали генеральные секретари ООН **Кофи Аннан, Пан Ги Мун**, в 2017 году – нынешний Генеральный секретарь **Антониу Гутерриш**.

Наша страна как равноправный член ООН строго соблюдает цели и положения ООН, а как государство со своим голосом и ста-

тусом выдвигает чрезвычайно важные и актуальные инициативы, касающиеся всех сфер деятельности ООН.

Постоянные представительства Узбекистана при ООН действуют в Нью-Йорке (США), при Отделении ООН и других международных организациях в Женеве (Швейцария) и при Отделении ООН в Вене (Австрия).

Сотрудничество Узбекистана с ООН за последние пять лет поднялось на совершенно новый уровень. Президент Шавкат Мирзиёев выступил с речью на 72-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН, 25 сентября 2020 года – на 75-й юбилейной сессии, организованной в формате видеоконференции, а также в 2021 году в онлайн-формате – на 46-й сессии Совета ООН по правам человека и 76-й сессии Генассамблеи, в ходе которых были озвучены инициативы Узбекистана в области укрепления международной и региональной безопасности, дальнейшего развития образования, духовности, экологии, туризма, защиты прав человека и в других сферах.

Международным признанием усилий Узбекистана за последние годы явилось принятие следующих резолюций Генеральной Ассамблеи ООН:

«Укрепление регионального и международного сотрудничества по обеспечению мира, стабильности и устойчивого развития в Центральной Азии»;

«Просвещение и религиозная толерантность»;

«Устойчивый туризм и устойчивое развитие в Центральной Азии»;

«Об объявлении региона Приаралья зоной экологических инноваций и технологий».

Вместе с тем под эгидой ООН были организованы международные конференции. В частности, в ноябре 2017 года в Самарканде прошла конференция **«Центральная Азия: одно прошлое и общее будущее, сотрудничество ради устойчивого развития и взаимного процветания»**, в марте 2018 года – в Ташкенте на тему **«Мирный процесс, сотрудничество в сфере безопасности и региональное взаимодействие»**, в 2021 году – в Хиве международный форум **«Центральная Азия на перекрестке мировых цивилизаций»**.

Проведены консультативные встречи глав государств Центральной Азии. Создан Многопартнерский трастовый фонд по человеческой безопасности для региона Приаралья. В качестве официального документа Генассамблеи ООН утвержден Кодекс о добровольных обязательствах государств

в период пандемий, в котором отражены обязательства каждого государства перед своими гражданами и международными партнерами.

ПРАВА ЧЕЛОВЕКА – ВАЖНОЕ НАПРАВЛЕНИЕ СОТРУДНИЧЕСТВА

В Узбекистане защита прав человека рассматривается как один из приоритетов взаимодействия с ООН. В нашей стране создана устойчивая политическая система, отвечающая современным критериям демократии и прав человека, активно работают органы законодательной, исполнительной и судебной власти всех уровней. Но самое главное, в обществе утверждается уважение к Конституции и законам страны, воплощение в жизнь приоритетного принципа **«Во имя чести и достоинства человека»**.

«Для нас достоинство человека – не какое-то абстрактное, высокопарное понятие. Оно обозначает для нас, прежде всего, обеспечение мирной и безопасной жизни каждого гражданина, его фундаментальных прав и свобод. Говоря о достоинстве человека, мы имеем в виду создание достойных условий жизни и современной инфраструктуры, квалифицированное медицинское обслуживание, качественное образование, социальную защиту и здоровую экологическую среду для каждого жителя страны», – подчеркивает глава Узбекистана.

За последние годы Узбекистан посетили Верховный комиссар ООН по правам человека **Зейд Раад аль-Хусейн**, Специальный докладчик по вопросу о свободе религии или убеждений **Ахмед Шахид**, Специальный докладчик по вопросу о независимости судей и адвокатов **Диего Гарсия-Саян**, а также Специальный докладчик по вопросам поощрения и защиты прав человека и основных свобод в условиях борьбы с терроризмом **Фионнуала Ни Аолайн**.

В рамках 72-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН в сентябре 2017 года глава нашего государства выдвинул важные международные инициативы, среди которых – организация постоянно действующего **Самаркандского форума по правам человека** и разработка **Международной конвенции о правах молодежи**.

22–23 ноября 2018 года в Самарканде состоялся **Азиатский форум «Итоги 70-летия Всеобщей декларации прав человека: вызовы времени и реальность»**, в котором участвовали представители около 20 международных организаций и эксперты

из более 30 стран. Тогда же была принята Самаркандская декларация по правам человека, утвержденная Генеральной Ассамблеей ООН в качестве официального документа 73-й сессии.

12–13 августа 2020 года прошел **Самаркандский веб-форум «Молодежь-2020: глобальная солидарность, устойчивое развитие и права человека»**. В качестве официального документа ООН принята одноименная Самаркандская резолюция.

Узбекистан тесно сотрудничает с ООН в области устойчивого развития. В целях реализации повестки дня ООН до 2030 года правительством приняты Национальные цели и задачи в области устойчивого развития на период до 2030 года, утверждены 16 национальных целей и 125 задач. Принята «дорожная карта» по имплементации Национальных целей и задач, созданы парламентская комиссия и координационный совет при правительстве. Впервые представлен Добровольный национальный обзор по выполнению ЦУР.

Принятые Президентом Узбекистана Стратегия действий и Стратегия развития являются пятилетними «дорожными картами» по выполнению Целей устойчивого развития ООН. Совместно с Межпарламентским союзом в июне 2021 года в Бухаре организован международный форум **«Глобальное межпарламентское сотрудничество в достижении Целей устойчивого развития»**. Идет активная работа по продвижению нашей инициативы о принятии резолюции Генассамблеи ООН о повышении роли парламентов в достижении Целей устойчивого развития и обеспечении прав человека.

Узбекистан первым из государств Центральной Азии создал систему национальных институтов по правам человека, которая включает парламентский Омбудсман, Детский омбудсман, Бизнес-омбудсман и Национальный центр по правам человека.

Кардинально изменилось положение дел в области искоренения принудительного и детского труда. Приняты законодательные меры по совершенствованию деятельности национального механизма по предупреждению пыток.

В соответствии с призывом ООН к сокращению числа лиц без гражданства в 2020 году принят Закон Республики Узбекистан «О гражданстве Республики Узбекистан», с момента принятия которого более 70 тысяч лиц без гражданства были признаны гражданами Республики Узбекистан.

Генеральный секретарь ООН Антониу Гутерриш, поздравив Узбекистан с принятием нового Закона «О гражданстве Республики Узбекистан», отметил, что, **предоставляя гражданство**

тем, у кого его раньше не было, Узбекистан улучшает жизнь уязвимой части населения. Это событие также является сигналом о твердой приверженности Узбекистана никого не оставлять позади, поскольку мы вступаем в десятилетие действий по достижению Целей устойчивого развития.

В то же время в стране совершенствуется законодательство с учетом приоритетных направлений социально-экономического развития, общепризнанных международных стандартов и обязательств в области прав человека, а также рекомендаций уставных органов и договорных комитетов ООН.

Узбекистан наладил конструктивное сотрудничество и регулярный диалог с Управлением Верховного комиссара Организации Объединенных Наций по правам человека (УВКПЧ). В сотрудничестве с УВКПЧ в июне 2020 года впервые принята и последовательно реализуется **Национальная стратегия Узбекистана по правам человека**. Она предусматривает реализацию рекомендаций Совета ООН по правам человека и договорных комитетов. При принятии национальной стратегии учитывались мнения не только экспертных кругов, но и широкой общественности и международных организаций.

В рамках Национальной стратегии по правам человека приняты конкретные меры по обеспечению гендерного равенства, свободы слова и религии, развития институтов гражданского общества, в частности:

утверждена **Концепция развития гражданского общества на 2021–2025 годы**;

принят новый **Закон «О свободе совести и религиозных организациях»**;

утверждена **Стратегия достижения гендерного равенства в Республике Узбекистан до 2030 года**;

создана **Парламентская комиссия по соблюдению международных обязательств Республики Узбекистан в области прав человека**;

реализуется **Концепция развития государственной молодежной политики в Узбекистане до 2025 года**, которая основана на принципе «Работа с молодежью в интересах молодежи», изложенной в **Стратегии ООН «Молодежь – 2030»**.

В реализации Национальной стратегии по правам человека активно участвуют институты гражданского общества. Проводится работа по усилению ответственности бизнес-сообщества в сфере прав человека, в частности, путем разработки Национального плана действий «Бизнес и права человека».

Узбекистан поддерживает межправительственный процесс по укреплению системы договорных органов по правам человека и развитию способности государств отчитываться и выполнять последующие замечания договорных органов. Республика Узбекистан своевременно представляет национальные доклады в договорные органы ООН – а это 41 доклад. В частности, в феврале нынешнего года Комитет по ликвидации дискриминации в отношении женщин заслушал Шестой периодический доклад Узбекистана, Комитет по экономическим, социальным и культурным правам – Третий периодический доклад.

ЧЛЕНСТВО В СОВЕТЕ ООН ПО ПРАВАМ ЧЕЛОВЕКА: ПЕРСПЕКТИВЫ СОТРУДНИЧЕСТВА

Как известно, 24 февраля 2020 года Генеральный секретарь ООН **Антониу Гутерриш** озвучил инициативу под названием **«Высокое стремление: призыв к действию в интересах прав человека»**. Одним из ее главных посылов является необходимость усиления гражданского общества, обеспечения гендерного баланса, равного участия женщин и мужчин в политической, экономической и социальной жизни, а также свободы информации.

Данная инициатива ООН созвучна с осуществлением в Узбекистане реформ в этих сферах, потому что без обеспечения прав человека невозможно решение проблем социально-экономического, политико-правового и культурно-гуманитарного развития государства.

На выборах, которые состоялись в Нью-Йорке 13 октября 2019 года, делегаты Генеральной Ассамблеи ООН избрали 15 новых членов главного правозащитного органа ООН – Совета по правам человека. Впервые в истории национальной государственности Узбекистан избран в членство Совета на период 2021–2023 годы. За нашу страну проголосовали 169 стран из 193 государств – членов ООН. С января 2022 года постоянный представитель Узбекистана при ООН в Женеве избран заместителем председателя Совета по правам человека.

Совет ООН по правам человека, контролируя по всему миру ситуацию в данной области, дает рекомендации главам государств. И каждая страна, входящая в членство этого международного органа, должна быть примером в данном направлении. Узбекистан, удостоенный признания и вошедший в СПЧ, серьезно настроен на ответственное выполнение необходимых обязательств.

Узбекистан наладил регулярное и конструктивное сотрудничество с правозащитными органами ООН, особенно с механизмом универсального периодического обзора Совета по правам человека, который на сегодняшний день является единственным универсальным процессом, обеспечивающим всем государствам равное и недискриминационное обращение, когда оцениваются ситуации в них с правами человека.

В 2018 году Узбекистан прошел третий цикл Универсального периодического обзора, в результате которого было принято более двухсот рекомендаций.

На протяжении многих лет высокопоставленная делегация Республики Узбекистан посещает Сегмент высокого уровня Совета по правам человека, который проводится в феврале-марте каждого года в Женеве.

В 2021 году на Сегменте высокого уровня 46-й сессии Совета ООН по правам человека впервые выступил Президент Узбекистана Шавкат Мирзиёев и обозначил новые грани по углублению сотрудничества Узбекистана с ООН в сфере прав человека и достижения гендерного равенства.

В рамках взятых на себя обязательств как члена Совета по правам человека:

Узбекистан **ратифицировал Конвенцию ООН о правах инвалидов;**

в декабре 2021 года под эгидой **Диалога женщин – лидеров стран Центральной Азии** состоялся региональный форум с участием женских организаций гражданского общества, а также структуры «ООН-женщины»;

по инициативе Узбекистана принята **резолюция Совета по правам человека о защите прав молодежи в условиях пандемии;**

в августе 2021 года состоялась **Всемирная конференция по правам молодежи на тему: «Вовлечение молодежи в глобальные действия».**

Узбекистан активно участвует во **Всемирной программе образования в области прав человека**. Разработан проект **Национальной программы в сфере образования по правам человека в рамках Четвертого этапа Всемирной программы**. Совместно с Управлением Верховного комиссара по правам человека в 2022 году планируется проведение **Глобального форума «Образование в области прав человека».**

Узбекистан будет продолжать содействовать созданию **регионального механизма по правам человека в Азиатском регионе.**

За последний период Узбекистану удалось достичь значительного прогресса во взаимодействии со специальными процедурами ООН. Направлено **постоянное приглашение** всем мандатариям посетить нашу страну. Безусловно, совместная работа с ними станет хорошей предпосылкой для эффективной реализации реформ в Узбекистане.

Можно с полной уверенностью сказать, что за пройденные 30 лет отношения между Узбекистаном и ООН были насыщены значимыми событиями и динамично развиваются по всем направлениям. Все выдвинутые Узбекистаном в рамках ООН предложения вносят весомый практический вклад в обеспечение всеобщего мира, стабильности, защиты прав человека и устойчивого развития. Наша страна остается приверженной дальнейшему расширению и углублению взаимовыгодного сотрудничества с ООН, в том числе в качестве активного члена Совета по правам человека.

ЎЗБЕКИСТОН ВА БИРЛАШГАН
МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ:
**ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ ЙЎЛИДАГИ
30 ЙИЛЛИК ҲАМКОРЛИК**



УЗБЕКИСТАН И ОРГАНИЗАЦИЯ
ОБЪЕДИНЕННЫХ НАЦИЙ:
**30 ЛЕТ СОТРУДНИЧЕСТВА
ВО ИМЯ ДОСТОИНСТВА ЧЕЛОВЕКА**

Нашр учун масъул
Муҳаррирлар

Техник муҳаррир
Компьютерда саҳифаловчи

М. Тиллабаев
Ғ. Мирзаев, М. Пальнова,
Л. Рузикулова, Р. Арслонова
Н. Сафарова
А. Жуманиязов

Босишга 2022 йил 31 мартда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32.

«PT Serif» гарнитурасида офсет усулда босилди.

Шартли босма табағи 1,4. Нашр табағи 1,0.

Адади 100 нусха. Буюртма № 5.

Инсон ҳуқуқлари бўйича

Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида чоп этилди.

100029, Тошкент, Ислон Каримов кўчаси, 15.